

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТОМОРҚА ТУТИШНИ АБДУРАСУЛ ОТАДАН ЎРГАНИНГ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қўқоновул" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан катта магистрал йўл ўтган. Йўл четида барпо этилган намунавий уйларнинг бирида Абдурасул ота Раззоқов истиқомат қилади. Отахон хонадонини обод қилишдан ташқари, кўча четидаги тўрт сотих ерга саримсоқийёз эккан, унинг орасида бир қанча каштан ва ўрик, 1 минг 200 туп ёнғоқ кўчати барқ уриб турибди.

Ибрат



— Меҳнат қилган одам соғлом бўлади, роҳатда яшайди, — дейди Абдурасул ота. — Мана бу каштан кўчатларини вилоятимизни ободонлаштириш учун парваришляппман. Ёнидаги "Оқмағиз" навли

энди бўй кўрсатган ёнғоқлар тез ҳосилга киради. Харидор ҳам кўп. Ниҳоллар иккинчи йилдан мева бера бошлайди. Бундан ташқари, 2 минг туп Қрим қарағайини ўстирмоқдамиз. Биласизми, бу

ноёб манзарали дарахт ҳисобланади. Пайти келиб, ундан катта даромад олишни кўзляппиз.

Уйнинг ичидаги томорқада бўш жойни кўрмайсиз. Бу ерда яшаб турган гилос, олма, киви дарахтларини кўриб, баҳридинингиз очилади. 2 сотих ерга экилган картошқадан 800 килограмм ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Томорқада 50 туп атиргул ва "Зарафшон" лоласи парваришланмоқда. Отахоннинг сўзларига кўра, кейинги йилда гуллар 200 тупдан ошади.

— Абдурасул отадан деҳқончилик борасида керакли маслаҳатларни олиб турамыз, — дейди кўшниси Равшан Асқаров. — У киши сўраган нарсаларимизни эринмай тушунтириб берадилар. Бизларга турли хил сабзавот ва гул кўчатларидан илинади.

Ҳозирги кунда тиниб-тинчимас деҳқон бобо кўчадаги 6 сотихли ташландиқ ерни ободлаштириш билан банд. Абдурасул отанинг айтишича, бу ерда тез орада бог яратилади. Бир қисмига иссиқхона ташкил қилиниб, лимон етиштириш ҳам режалаштирилмоқда.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

Вилоят ҳокимлигида

Нурафшон шаҳрида ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика Комиссияси ва Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

ИШЧИ ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

танқидий таҳлил ва
талабчанлик руҳида ўтди



Видеоселектор тарзида ўтган мажлисда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика Комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони масъул ходимлари, Комиссия 5-минтақавий ишчи гуруҳи раҳбари ва аъзолари, депутатлар, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳи ва котибиятлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят прокуратураси, ички ишлар ва давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари, ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар етакчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда дастлаб Бош прокурор ўринбосари, Республика Комиссиясининг 5-минтақавий ишчи гуруҳи раҳбари Саидлазиз Саидқаримовнинг вилоятда 2017 йилда ва жорий йилнинг январь-март ойларида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича ахбороти тингланди.

Маърузачи таъкидлаганидек, ҳисобот даврида вилоятда, шаҳар ва туманларда давлатимиз раҳбарининг топириги ва Комиссия қарорлари ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Ҳусусан, жиноятлар ортиган маҳалларда ижтимоий-криминоген вазият, жиноятчилик аҳоли, унинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитлар таҳлили асосида тўртта сектор раҳбари томонидан 5 та бўлим, 21 та банддан иборат вилоят "Йўл харита"си ишлаб чиқилгани ва ижроси таъминланаётгани ўз самарасини бермоқда.

Қайд этилганидек, вилоятда жиноятчиликнинг камайишига эришилган бўлса-да, айрим шаҳар ва туманларда унинг ошishi кузатишди. Афсуски, воқеа етмаганлар, аёллар иштирокидаги жиноятлар камайишмапти. Айрим ҳудудларда қотиллик, қасддан оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, ўғрилик, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар сони ошган.

Содир этилган жиноятларнинг маълум фоизи ишсиз, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган фуқаролар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Йиғилишда қўрилган долзарб масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини билдирган Сенат раиси Н. Йўлдошев ишчи гуруҳи фаолиятини танқид қилди. Ишчи гуруҳи тартибот органлари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйилганини қайд этиб ўтди.

Айрим шаҳар ва туманларда ички ишлар органларининг жиноят-қидирув фаолияти, аҳоли бандлигини таъминлаш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ишлари талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Кун тартибига қўйилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими Ф. Ибрагимов сўзга чиқди.

Ҳолмурод САЛИМОВ
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДАГИ БЎШАБ ҚОЛГАН САЙЛОВ ОКРУГЛАРИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 27-Келес ва 29-Ўнқўрғон сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш 2018 йил 27 май (якшанба) кунига белгилансин.

Кенгаш раиси

Ҳ. ИБРАГИМОВ

2018 йил 25 апрель

Вилоят хотин-қизлар кўмитасида

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда йилнинг дастлабки чораги якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

Унда вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари раислари, янгидан сайланган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, прокуратура, ички ишлар, адлия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпирова мазкур Фармон ижроси доирасида вилоятда олиб борилаётган ишларни чуқур таҳлил қилар экан, асосий эътиборни танқидий таҳлилга қаратди. Жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган соғлом, мустаҳкам оилаларни шакллантириш, бандлик, ёшлар таълим-тарбияси, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, она ва бола саномадлиги борасидаги ишлар самарадорлиги талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

Шунингдек, ҳудудларда хотин-қизлар ва воқеа етмаганларда жиноятчилиги, ажримлар, оналар ва болалар ўлими бўйича кўрсаткичларнинг камайишгани бу борадаги ишларни кескин жонлантириш, энг аввало, бандлик масаласини ҳал этишга астойдил киришиш зарурлиги, бунда ички ишлар, суд, прокуратура, адлия, касаба уюмлари, бандликни таъминлаш бўйича тегишли ташкилотларнинг хотин-қизлар кўми-

талари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигига ургۇ берилди.

— Ҳозирги кунда вилоятимизнинг 22 та шаҳар ва туманлари хотин-қизлар кўмиталари раислари ва мутахассислар суҳбатдан ўтказилиб, муносиблари тасдиқланди, — деди О. Парпирова. — Уларнинг барчаси олий маълумотли, ўз ишига виждонан ёндашадиган, масъулиятни ҳис этадиган мутахассислар, дея ишонч билдирди. Эндиги мақсад шу ишончни оқлаш. Бунинг учун биз ҳамкорлик қиладиган барча жамоат ташкилотлари билан тузилган чора-тадбирлар режаси асосида тизимли ишларни йўлга қўйиш зарур. Саъй-ҳаракатларимиз қоғозда эмас, амалда бўлсин.

Тадбирда сўз олган ҳамкор ташкилотлар вакиллари биргалликда ҳаракат қилиш — муаммоларни ўз жойида ҳал этишга ёрдам бериши, бунинг учун мулоқот қилиш, одамларнинг дилидаги сўзларни тинглай олиш маданиятини шакллантириш кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларнинг фаолиятида қўлланиладиган йиғма жилдлар, ҳафталик иш режаларининг тузилиши, мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўтган 2017 — "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили", ҳақиқий маънода, юртимиз равнақида туб бурилиш йили бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз. Буни барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлару бунёдкорлик жараёнларида яққол кўришимиз мумкин.

Сайёр қабул

Айниқса, халқ дардини тинглаш, кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келатган муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш юзасидан ташкил этилган "Халқ қабулхоналари" фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги тизими ва самарали усулларини жорий этиш бугунги давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. Ўз ўрнида, халқимизнинг ҳам ҳуқуқий онги, муносабат қилиш маданияти кескин ўсганлиги ҳар қадамда намоён бўлмоқда. Жорий йилда ҳам халқ билан мулоқот жадал давом этаётгани бу хайрли ҳаракат мавсумий ёки бир йиллик эмаслигининг амалий

ифодасидир, десак бўлади.

Кун кеча Оҳангарон шаҳридаги истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев раҳбарлигида, вилоят ҳокими Фулмон Ибрагимов ҳамда 20 дан ортиқ турли вазирлик, кўмита ва агентликларнинг масъул вакилларида иборат ишчи гуруҳ сайёр қабул ташкил этиб, Оҳангарон тумани ва шаҳри ҳамда Олмалик аҳолисини тўғридан-тўғри қабул қилди. Фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан тегишли соҳалар бўйича раҳбарлар билан бевосита мулоқот қилиш, муносабатлари бўйича жавоблар олиш имконига эга бўлишди.

Қабулда келиб тушган му-

рожаатлар соҳалар бўйича ўрганилганда, уларнинг асосий қисми уй-жой олиш, коммунал соҳа, моддий ёрдам, тиббий хизмат ва бошқа масалаларга оид эканлиги маълум бўлди.

Ҳусусан, Оҳангарон туманидан 28 нафар, Оҳангарон шаҳридан 32, Олмалик шаҳридан эса 11 нафар фуқаро билан очик мулоқотлар ўтказилиб, муаммолар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинди. Қўшимча вақт, ўрганиш ҳамда катта маблағ талаб қиладиган масалалар юзасидан тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари таъминоти қилиб берилди.

Шу кун сайёр қабулга келган фуқароларимизнинг кўзларида ҳақиқий маънода қувончнинг, эртанги кунга бўлган ишончнинг, асосийси, давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги очиклик, шаффофликни кўрдик. Олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси, инсон манфаатларига қаратилаётганлиги яна бир бор кўз ўнгимизда акс этди.

Ўз мухбиримиз

9 май — Хотира ва Қадрлаш кун

ДУО ОЛГАНЛАРНИНГ ДУОСИ ИЖОБАТДИР

Инсонни қадрлаш халқимизнинг энг улуг фазилатларидан. Айниқса, Ватан сарҳадлари дахлсизлиги, келажақ авлодлар озодлиги учун курашган аждодларимизни эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кун арафасида бутун мамлакатимиз бўйлаб, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фронт орти меҳнаткашларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинмоқда.

Бўқа туманидаги "Қодирхон махсум" жоме масжиди фаоллари ҳам кўнгилларига эзгу амални туғиб, "Ачамайли Файз барака" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи уруш қатнашчиси Турғунбой ота Чинтошевнинг хонадонидан бўлдилар.

Давоми 2-бетда

АЙНУР НИЯТИГА ЕТДИ

Чинозлик Айнур Усенова тикувчилик сирларини яхши ўзлаштирган. Шу хунари орқали етарлича даромадга эга бўлиш, оиласи бюджетига хисса қўшишга ҳаракат қиларди. Эзгу ниятини амалга ошириш учун иш қидирар, лекин маъкул келадигани топилмади.

Тадбиркорлик

Кунларнинг бирида маҳалласида "Искандарова Ажибек" номи тикувчилик фирмаси очилиши ҳақида эшитиб қолади. Фурсатини бой бермасдан корхона томон шошади. Хуллас, шу ерда иш бошлайди.

Йигирма нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган ушбу корхонада кийим-кечақлар, этак ва қоплар ишлаб чиқарилади.

— Худудда Айнур сингари моҳир чеварлар жуда кўп, — дейди тадбиркор Ажибек Искандарова. — Улар маҳоратидан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу цехни ташкил қилдик. Тикувчиларга бу ерда меҳнат қилиш анча қулай, деб ўйлайман. Иш жойи уйига яқин. Чеварларимиз томонидан кунига 500 га яқин этак ва қоплар тикилмоқда. Махсулотла-

римизнинг асосий харидори — "Чиноз пахта тозалаш" корхонаси. Бундан ташқари, аҳолига буюртма асосида хизмат кўрсатилади.

Корхона фаолиятини ривожлантиришга туман хотин-қизлар кўмитаси ҳам қўмаклашаётир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан мактабгача таълим муассасаси ва тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Бу режалар амалга ошса, яна янги иш ўринлари яратилади.

— Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ва улар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дей-

ди туман ҳокими ўринбосари Нигора Муҳаммадиева. — Бу борада тегишли қарор ҳам қабул қилинди. Ана шу ҳужжат ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, ушбу цехнинг иш бошлашини алоҳида таъкидлаш ўринли. Келажақда туманимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бу каби янги тикувчилик корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Зиёдулла РАҲИМОВ
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ДУО ОЛГАНЛАРИНИНГ ДУОСИ ИЖОБАТДИР

— Яқинда вилоятимиз ҳокимлиги вакиллари томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мукофотларини қабул қилиб олгандим, — дейди 94 ёшли Турғунбой ота. — Утган йили Юртбошимиз Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонларини бир дастурхон атрофида чорлаган эдилар. Ҳар биримизни кучоқлаб, кўнглимизни кўтардилар. Бу йил ҳам бизга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиром юксак даражада бўлмоқда. Айниқса, ўзимиз жанг қилган мамлакатлар бўйлаб саёҳат ва муборак Ҳаж зиёратига таклиф қилишаётганидан бошимиз кўкка етди.

...18 ёшида қўлга қурол олган Турғунбой Чинтошев Берлинга бўлган галаба йўлини босиб ўтди. Европа қитъасида фашизм устидан галаба қозонилгач, тақдир қаҳрамонимизни Япониядаги жанг майдонига ташлади. У ердаги қирғинбарот жангларда матонат кўрсатган бўқалик аскар 1947 йилда ўз уйига соғ-омон қайтиб келди.

Бугун фарзанду неваралари оғушида кексалик гаштини сураётган Турғунбой ота ёшларга ҳақиқий бахт озода ва обод Ватанда тинч-хотиржам яшашда эканини бот-бот таъкидлайди. Шу боис, ҳар гал дуога қўл очар экан, Яратгандан мустақил юртимизга барқарорлик, халқимизга фаровонлик тилашдан чарчамайди.

Азизжон АЛИМЖОНОВ,
"Қадрихон маҳсум" жоме
масжиди имом-хатиби

Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатган отахон Урта Чирчиқ туманининг "Йўлчиқали" маҳалласида истикомат қилади. Ҳозирги тинч ва осойишта кунларимизга шукрона келтираётган Холикул ота навқирон 17 ёшида урушга отланди. Тўрт йил давомида Литвадан то Берлинга бўлган жангларда иштирок этди.

Бугунги тинч тонглари, ойдин тунлар, тинчлик-осойишталик ҳукм суришида Холикул отанинг ҳам ҳиссаси бор. У вайронага айланган Берлинни, таъбир жоиз бўлса, Европани тиклашда қатнашди. Қарийб тўққиз йиллик ҳарбий ҳаётдан сўнг, ёруғ юз билан она юртига, туғилиб ўсган қишлоғига қайтди.

1950-йилда қишлоқдаги мактабда оддий ўқитувчилардан иш бошлаган Холикул Нахов 1961 йилда ушбу мактабга директор бўлди. Жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатган собиқ жангчи мактабда ҳам ўз касбияти саноқатини намойиш этди.

Отахоннинг кўплаб шогирдлари, ўқувчилари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида меҳнат қилишяпти. Тўққиз йиллик ҳарбий, қа-

ОЛТИНДАН ТАРОЗИ, ОЛМОСДАН ТОШ...

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг беш юз мингдан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Ота Ватанига омон қайтган юртдошларимиз орасида бугун тўқсон тўрт баҳорни қаршилаган Холикул ота ҳам бор.



рийб ўттиз икки йиллик устозлик фаолиятини сўнг пенсияга чиққан Холикул ота ҳамон тиниб-тинчмайди. Ҳозир ҳам ўз боғининг боғбони, ерининг миришқори.

— Давлатимиз раҳбарининг бизга эътибор кўрсатиб, қабул қилган фармон ва қарорларини қалбим тўла севинч билан тингладим, —

дейди Холикул ота. — Истагимизга қараб, Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги "Ўзбекистон" ҳамда республикамиздаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчимиз билан бепул бориш имкони яратилганидан фойда шодландим. Қувонарлиси, ўзимиз озод қилган мамлакатларга сафар қи-

лиш имконияти ҳам мавжуд.

Отахон турмуш ўртоғи билан икки ўғил, икки қизни эл қорига ярайдиган қомил инсонлар сифатида вояга етказди, тарбия қилди. Бугунги кунда 16 нафар невараларнинг севишли бобожониси, қадди баланд, қадри баланд юрда эъзозу эҳтиром топан отахон доимо юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини сўраб дуо қилади. Невара, эвараю чевараларига тинчлик ва осойишталикнинг қадрини, машъум уруш хотираларини сўзлашдан чарчамайди. Зотан, шоир ёзганидек, "Бу кунлар баҳосин ўлчамок учун, олтиндан тарози, олмосдан тош оз..."

Юртимизда Холикул ота каби табаррук нурунийларимиз бор экан, диёримизга яхшилик ва эзгулик нури ёғиллаверади.

Отбек ИСРОИЛОВ
Р. МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

ТИНЧЛИК ШУКРОНАСИ

Бир гуруҳ чинозлиқ ёшлар тумандаги "Гулзоробод" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Йўлдош ота Норматов хонадонига келишди. Улар отахоннинг суҳбатини олиб, уй юмушларига қўмаклашди.

— Тинчлик ҳукм сураётган замонда яшаётганимизга минг бора шукроналар айтиш керак, — дейдилар отахон. — Бизнинг энг гуллаган ёшлик давримиз фронтда ўтди. Ҳозирги кун ёшларидек

билим олиш ва ўз маҳоратимизни намойиш қилишга имкон қаёқда эди, дейсиз! Фарзандларимиз давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқиб-ўрганишлари,

юртимиз довуғини бутун дунёга ёйишлари керак.

— Уруш қатнашчилари билан суҳбатлашиш орқали кўплаб маълумотларга эга бўлаёмиз, — дейди Чиноздаги 7-мактаб ёшлар етакчиси З. Хусанова. — Фахрийларимизнинг галабага эришиш йўлида кўрсатган жасорати, урушдан кейинги ҳаёт йўли бизга ибрат бўлмоқда.

Бундай тадбирлар вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Ўз мухбиримиз

Семинар

Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хўна қоллежидида "Ёш архитекторларни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

ЁШ АРХИТЕКТОРЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Тошкент архитектура ва қурилиш институтини профессор-ўқитувчилари, вилоятдаги қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хўна қоллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда тураржой биноларини замонавий архитектура талаблари асосида барпо этиш, ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, уларни қуришда миллий анъаналаримиздан кенг фойдаланишга устувор аҳамият берилётгани таъкидланди.

Семинарда асосий эътибор юртимизда қурилиш соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган инновацион тадқиқотлар, архитектура, дизайн, шаҳарсозлик, ландшафт йўналишларини такомиллаштириш, бино ва иншоотларни лойиҳалашда замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларни татбиқ қилиш масалаларига қаратилди.



Мутахассислар энергия тежамкор биноларни лойиҳалаш, геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожлантириш борасида атрофича маълумот берди.

— Архитектура ва қурилиш соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хўна қоллежиди директори ўринбосари Н. Арзикүлова. — Бу борада таълим муассасамизда ёшларнинг мутахассислик фанларини пухта ўрганишига алоҳида эътибор қаратамиз. Айниқса, амалий дарслар, махсус тўғаракларда белгиланган ўқув дастурлари асосида ўқитиш, ўқувчиларнинг ижодий ишларини рағбатлантириш, назария ва амалиётни уйғунлаштириш ҳолда малакасини шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Семинарда маъмурий ва маиший биноларни лойиҳалашда уларнинг шаҳарларда тутган ўрни хусусида сўз юритилди. Ўқувчилар томонидан миллий архитектура ишланмалари, бинолар макети, плакат ва видеолавҳалар намойиш этилди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири

ИМТИЁЗ ТУФАЙЛИ МАБЛАҒ ТЕЖАЛМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қамолатлаш, фаровон турмуш кечириши учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдир. Ҳар қандай давлат тараққиётида иш ўринлари яратиш, бандлиқни таъминлаш ва шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш асосий омиллардан ҳисобланади.

Қарор ва ижро



Юртимизда ушбу долзарб масалага жиддий эътибор қаратилиб, аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда меҳнат миграциясига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Чет элларда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратиляпти. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаол иштирокида ушбу соҳадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштириляпти.

Сир эмаски, кейинги пайтларда инсонлар орасида четга чиқишда

хавфсизлик таъминланмаган транспортлардан фойдаланилмоқда. Оқибатда турли хил қўнғилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унга кўра, жорий йилнинг 1 апрелидан "Ўзбе-

кистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси мигрантларга темир йўл ва авиачипталар нарҳини 20 фоизгача арзонлаштирди. "Ипотекабанк" ишлаш учун республикамиздан ташқарига чиқаётган фуқароларга 1000 АҚШ доллари эквивалентида кредит ажратадиган бўлди. "Алоқабанк" томонидан эса бепул "VISA-migrant" карталари очиб бериш ҳамда бир йилда бир марта уч юз минг сўм миқдоридида берадиган пули берилади. "Ўзгроссуғурта" акциядорлик жамияти ва "Кафолат" суғурта компанияси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталашни расмийлаштириш учун доимий тарзда суғурта агентларини жойлаштирди.

Таъкидлаш жоиз, апрель ойидан бошлаб, Ташқи меҳнат миграция агентлигининг вилоят минтақавий бюросида махсус кассалар ташкил

қилинди. Бу ерда темир ва ҳаво йўллари, "Ипотекабанк", "Алоқабанк" ҳамда "Кафолат" суғурта компанияси каби ташкилотларнинг ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Кассаларга мурожаат қилувчилар сони ортмоқда. Оққўрғонлик Абдор Тожибоев ана шундайлардан бири.

— Ишлаш учун Россияга кетаяпман, — дейди у. — Самолётга чипта олишда берилган чегирма ва имтиёزلардан фойдаланганимизда, беш юз минг сўмдан зиёд маблағим тежалди.

Ҳозир вилоятимизнинг барча туман ва шаҳар аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари ходимлари маҳаллаларда уйма-уй юриб, четга ишлашга чиқиш кетишни режалаштираётган фуқароларни аниқлаб, уларни агентлиқнинг электрон маълумотлар базасига киритмоқда. Шунингдек, яратилган имконият ва имтиёزلар ҳақида маълумотлар бераётди.

Назар ЖҲҲАБОВ,
Ташқи меҳнат
миграция
агентлигининг
вилоят минтақавий
бюроси раҳбари
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

БАРАКАЛЛА, БИЛИМДОНЛАР!

Пискент туманидаги 30-Болалар мусика ва санъат мактабида умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари" республика танловининг вилоят босқини бўлиб ўтди.

Танловда шаҳар ва туман ҳудудий босқинларида ғолибликни қўлга киритган Нурафшон шахрининг "Адолат посбонлари", Зангиота, Бекобод ва Паркент туманларининг "Фамида", "Адолат" ҳамда "Қонун" жамоалари "Тест синовлари", "Ҳуқуқий билимдонлик" ҳамда "Саҳна кўриниши" сингари шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов давомида ўқувчилар ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари ҳамда маърузалари, шунингдек, мамлакатимизда сўнгги йилларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий



соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида билимларини синовдан ўтказди.

Якуний натижаларга кўра, Бекобод туманининг "Адолат" жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилиб, қўриқ-танловнинг республика босқинида иштирок этиш учун йўланма берилди.

Ўз мухбиримиз
Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат


ОГОҲ ОДАМ ҚОҚИЛМАЙДИ

Ёшларни ёт иллатлардан асраш, улар ўртасида жиноятчилик ва турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотларининг ўқувчилар ўртасида олиб бораётган тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай тадбирлардан бири — Зангиота туманидаги тиббиёт коллежидида бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими ходимлари, "Эшонгузар" жоме масжиди имом-хатиби ва ота-оналар диний экстремизм, терроризм, ғиёҳвандлик, "оммавий маданий"нинг зарарли оқибатлари, ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликларнинг олдини олиш ҳақида гапириб, ўқувчиларни тўғри йўлдан оғишмасликка, ўз мустақил фикрига эга, Ватан учун чин дилдан хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишга даъват этди.

Жамила АРСЛОНОВА



Made in Uzbekistan

"Лимакс голд текстиль" номини олган корхонани фойдаланишга топширишга бағишлаб ташкил этилган маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг ўзак томири бўлган саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, соҳага энг замонавий, юқори қувватли инновация ва технологияларни жадал татбиқ этиш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, айниқса, хорижий сармоядорлар учун қулай ва мўътадил бизнес муҳити учун кафолатланган тизим яратиш борасида диққатга сазовор ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА ЯНА БИР ХОРИЖИЙ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

— Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, экспорт имкониятларини ошириш, халқингиз учун кафолатланган иш ўринлари ташкил этишда жуда катта имкониятлар эшигини очаётганига гувоҳимиз, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори, хитойлик сармоядор Ли Сян Чан. — Биз барпо этган корхона ҳам ана шу ислохотларнинг бир дебачасидир. Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий тараққиёт жараёнида ишончли ҳамкор сифатида иштирок этаётганимиздан фойда мамнунимиз.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳавий қиймати 3 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур ишлаб

чиқариш объекти илғор технологиялар асосида экспортбоп тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. Корхона тўлиқ Хитой технологиясига асосланган бўлиб, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш орқали йилига 11 миллион жуфт хилма-хил пайпоқ маҳсулотларини ички ва ташқи бозор эҳтиёжлари учун етказиб бериш қувватига эга. Энг муҳими, бу ерда 180 нафардан зиёд оҳангаронлик хотин-қизлар ва ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Корхонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов сўзга чиқди.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
Нозимжон ИСМОИЛОВ
(сурат),
"Тошкент ҳақиқати"
мухбирлари

ХИЗМАТ ПУЛЛИК, МАСЛАҲАТ ТЕКИН

Томорқа эгаларига қулайлик яратиш мақсадида жойларда агрофирмалар фаолияти йўлга қўйилаётганидан хабарингиз бор. Тошкент туманида ишга туширилган "Тошкент томорқа" масъулияти чекланган жамияти бунга мисол.

Қулайлик



— Худудда 33 минг 988 та томорқа ер эгаси, 1 минг 188 та фермер ва деҳқон хўжаликларни мавжуд, — дейди ушбу корхона раҳбари Абдукарим Йўлдошев. — Биз уларга ерни тайёрлаш, сифатли ва юқори ҳосил берувчи уруғ ва қўчатлар етказиб бериш каби хизматларни амалга ошираёмиз. Бундан ташқари, экинга зарур бўлган минерал ўғитлар, зараркундаларга қарши кимёвий дориюлар етказиб берамиз. Агар ўсимликлар парваришида қандайдир муаммо юзага келса, бунга ечим топишга ҳаракат қиламиз, бу ишга малакали агрономларни жалб этамиз. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб, қайта ишлаб, экспорт қиламиз.

"Тошкент томорқа" МЧЖда бугунги кунда 7 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Мутасаддиларнинг айтишича, жамият фаолияти янада кенгайтирилади.

Ўз мухбиримиз
Д. АҲМЕДОВ олган сурат

дир муаммо юзага келса, бунга ечим топишга ҳаракат қиламиз, бу ишга малакали агрономларни жалб этамиз. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб, қайта ишлаб, экспорт қиламиз.

"Тошкент томорқа" МЧЖда бугунги кунда 7 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Мутасаддиларнинг айтишича, жамият фаолияти янада кенгайтирилади.

Ўз мухбиримиз
Д. АҲМЕДОВ олган сурат

ЯХШИ КИТОБ — МАЪРИФАТ ҚУЁШИ

Қибрай туманидаги "Ботаника" санаторийсида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа уйи билан ҳамкорликда "Яхши китоб — маърифат қуёши" деб номланган китоб ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркада "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи ва бошқа нашриётларда сўнгги йилларда чоп этилган бадиий, тарихий ва сиёсий адабиётлар, шунингдек, таниқли ёзувчи ва шоирларнинг болалар учун ёзган асарлари, лугатлар ҳамда бошқа мавзулардаги қизиқарли китоблар намойиш этилди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, ушбу ярмаркани ўтказишдан асосий мақсад аҳоли ўртасида китобхонлик маданияти ва китоб мутолаасини янада ошириш, яхши китоб харид қилиш учун қулай шароит яратиш, танлаш имкониятини таъминлаш ва китоб-саварлар сафини кенгайтиришдан иборатдир.

Ю. ФАЗЛИДИНОВА

Мазкур санани жорий этишдан кўзланган мақсад матбуот эркинлиги тамоилларини илгари суриш, ОАВ эркинлиги, уларнинг мустақиллигига қилинаётган тажовузларнинг олдини олиш, шунингдек, касбий бурчини бажараётиб, ҳаётдан кўз юмган журналистларни хотирлашди.

Ахборот – бу чек-чексиз биламас бекиёс кучдир. У инсон онгига таъсир этиб, бизни йўлдан адаштириши ё аксинча, тўғри йўлга бошлаши мумкин. Ўзиборлиси, у таъсир доирасини узоқ вақтгача йўқотмайди.

Мақтаб ёшидаги фарзандингиздан сўранг: айиқ нимани яхши кўради? Ишонамизки, асални, деган жавобни оласиз. Аслидачи? Ахир, айиқ гўштхўр ҳайвон эканини барчамиз яхши билемиз. Албатта, болажон эртақларда эшитгани ва мультфильмларда кўрганини айтган. Мана, сизга ахборотнинг онгига таъсири.

Ахборотнинг жамият ҳаётидаги роли мислсиз даражада ўсмоқдаки, бу турли сиёсий кучларга ахборот макони ва ОАВларидан турли гаразли мақсадларда фойдаланиш имконини бермоқда. Олимлар эндиликда курулнинг инсон онги ва қалбини нишонга олувчи янги тури кашф этилганини таъкидламоқдалар. Бинобарин, бу курул эзгуликка, бунёдкор гоёларга хизмат қилиши даркор.

ОАВ таъйиқ ва таъсир остида ишлаш олмайди. Улар эркин бўлишлари керак. Шундагина, кўпчилики қийнаётган саволлар, халқни ўйлантираётган муаммолар ўз ечимини топади. Зеро, ОАВга бежиз халқ ва давлат ўртасидаги ишончли кўприк, дея таъриф берилмаган.

Шу ўринда бўстонликлик ҳамкасбимиз, хорж матбуотининг етакчи журналисти Навбахор Имомованинг бу борадаги фикрларини эс-

лаш ўринли.

"Одамларнинг диққати жуда тор, қиска. Ўзиборлиси ушлаб туриш машаққатли. Чунки, ахборот оқими жадал ва одамларнинг кизиқишини тортадиган нарсалар бисёр. Кўплаб ахборот воситалари аудиторияга ахборотни саралаш

таяпмиз. Яъни, журналист жамият кўзгуси бўлиши керак. Одамлар унга қараб ўшлаб туриш машаққатли, ўйлаши ва ёзилаётган материаллар муаммоларга ечим излаш учун туртки бўлиши лозим. Халқ журналистларни севиши, уларни мақташи шарт эмас.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни

АЙИҚ АСАЛ ЯЛАЙДИ...МИ?

БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги резолюциясига биноан, 1994 йилдан бошлаб 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни сифатида кенг нишонланади. Нега энди айнан 3 май дейётгандирсиз? Гап шундаки, 1991 йилнинг шу кунида Намибияда Африка матбуотини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтган ва унда махсус декларация қабул қилинган эди.



сирларини ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Лекин, аввало, ўз материалларининг сифатли бўлишини таъминлашингиз керак. Бугун Фарб матбуоти, умуман, ҳар қандай медиа учун мана шу – бирламчи масала. Бизнинг махсулотимиз нимаси билан ажралиб туриши керак ва бу билан одамларнинг эътиборини неча дақиқа ушлаб туришимиз мумкин? Кўплаб журналистлар фикрича, эътиборни ушлаб турувчи омил бу фактлар ва уларнинг халқ ҳаётига тегишли томонларини кўрсата олиш. Демак, айланиб-айланиб, яна ўша туб вазифага қай-

Берилаётган хабарлар ва материаллар халқни хурсанд қилмас, айб сизда эмас. Сиз – кўзгу. Ойнадан ўпкаланма олмаймиз. Лекин ахборот қанчалик асосли, ишончли? Буни таъминлашимиз шарт".

Аммо, ҳар нарсда меъёр бор. Эркинлик бу – оғзига келганини гапириш, дегани эмас. Аксинча, факт ва маълумотларга ҳолислик билан ёндашиб, уни бори-ча етказиш маҳоратидир. Воқеанинг нотўғри талқинидан нафақат одамлар, балки давлатлар ҳам жабр кўриши мумкинлигини унутмаслик керак.

Илмира ЛАЗИЗОВА

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси вилоят Кенгаши томонидан партия сайловолди платформаси ижроси доирасида Ўқадаги 1-умумтаълим мактаби қошидаги туман, Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежи ахборот-ресурс марказлари ўрганилди.

Айтиш жоиз, 2006 йил 20 июнга қадар Ўқада марказлаштирилган кутубхона ва унинг жойлардаги 45 та филиали, бундан ташқари, туман болалар кутубхонаси фаолият юритган. Тегишли қарор билан марказлаштирилган кутубхона Ангрен шаҳридаги Тошкент давлат педагогика институтини (2016 йил фаолияти тугатилган)га, унинг филиаллари Ўқадаги касб-хўнар коллежларига, туман болалар кутубхонаси эса халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилган. Ўқа тумани марказий кутубхонаси 50-60 километр олисда жойлашган Ангрен

шаҳридаги институт тасарруфига ўтказилиши мантиқан тўғри бўлмаган. Мазкур муассаса тугатилиши муносабати билан марказлаштирилган кутубхона яна туманда, Бўстон қишлоқ хўжалиги

давомида 300 та, 2017 йилда 42 та бадий китоб берилган, холос. Бу ерда 1 дон компьютер мавжуд, у ҳам эскирган, интернет тармоғига уланмаган. Икки нафар ходим фаолият кўрсата-

собик иттифоқ даврига оид, маънан эскирган, бино таъмирталаб ҳолатда.

Ўқа тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-умумтаълим мактаби қошидаги туман ахборот-ресурс маркази умумий китоб фонди бор-йўғи 3 минг 580 дон. Ваҳоланки, кутубхонада 8 та штат бирлиги мавжуд. Мингга яқин китобхон бор, шундан ёши катта китобхонлар 100 нафарни ташкил қилади. Марказга ўн йил деганда, 2017 йил 10 миллион сўм ажратилган. Унга 833 дон китоб сотиб олинган.

Таъкидлаш жоиз, вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам бу борада аҳвол яхши эмас. Бунинг ечими ахборот-ресурс марказларини Маданият вазирлиги тасарруфига қайтариш билан боғлиқ, деган фикрда-миз.

Махмуд НАЗАРОВ,
"Миллий тиклаш"
демократик партиясининг
вилоят Кенгаши раиси

ЭЪТИБОР КУТАЁТГАН КУТУБХОНАЛАР

Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби маънавий жабҳада ҳам ислохотлар янги босқичда, жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Айниқса, китобхонлиқни тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани қувонарли.

Муаммо ва таклиф

касб-хўнар коллежида фаолиятини давом эттирмоқда.

Ҳозир ушбу кутубхона – коллеж ахборот-ресурс маркази китоб фонди 12 минг 467 тани ташкил этмоқда. Шундан 9 мингдан зиёди рус тилидаги адабиётлардир. Марказга охириг етти йил

ди. Марказда фақат "Халқ сўзи" ва "Тошкент ҳақиқати" газетаси мавжуд, обуна учун маблағ ажратилмайди, канцелярия махсулотлари билан таъминланмайди.

Кутубхонанинг моддий-техник базаси, китоб жавонлари, шкаф, стол-стул асосан

«ВАФОДОР»ДАН ЭЪТИЁТ БЎЛИНГ!

Республикаимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мутахассис тавсия этади

Айни пайтда шундай касалликлар ҳам мавжудки, фуқароларимиз улар ҳақида жуда кам биладилар. Ваҳоланки, бундай касалликлар одамлар, айниқса, болалар ҳаётига катта хавф солади. Турли паразитик касалликларни шу тоифага кириштиш мумкин. Масалан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 23,3 фоизи ёки ҳар тўрт кишидан бири гелминтоз билан касалланган.

Биз қуйида ана шундай тоифадаги гелминтоз касалликларидан бири, яъни одам организмда оғир асоратларни келтириб чиқарувчи эхинококкоз ва

унинг асоратлари ҳақида маълумот бериб ўтаемиз.

Одамнинг эхинококкоз билан зарарланишида касалланган ит асосий манба ҳисобланади. Тажрибалар ит билан мулоқотда бўлган одамга эхинококк тухумлари унинг жуни, сўлаги орқали ўтишини кўрсатди. Бундан ташқари, итларнинг нажаси билан зарарланган сабзавотлар, кўкат ва резаворлар ювмасдан истеъмол қилинганда, ариқ сувларини тозаламасдан ичиш орқали ҳам эхинококкни

юктириб олиш мумкин.

Инсон организмга тушган эхинококк тухумлари ингичка ичак орқали қонга сўрилиб, жигар, ўпка, буйрак, мия ва бошқа тўқималарга тушади ва ушбу органларда ривожланади.

Эхинококкни пуфакларнинг асосий қисми, яъни 88 фоизи жигар тўқималарида, 15-18 фоизи ўпқада, 1-2 фоизи бошқа орган ва тўқималарда ривожланади. Касалликнинг клиник кўриниши хасталиқнинг қайси орган ва тўқималарда жойлашишига



ва эхинококкли пуфакнинг катталигига қараб намоён бўлади. Жигар эхинококкозида касаллик жигарда қучаяди ва асосан оғриқ қорин соҳасида қузадилади. Ўпка эхинококкозида кўрак соҳасида оғриқ, йўтал, қон тушуриш, балғам орқали ушбу касаллик пуфакларининг ёрилиши, йиринглаб кетиши оқибатида тана ҳароратининг юқори даражада кўтарилиши, кучли оғриқ, анфилактик шок ҳолатлари қузадилади. Шу ўринда эслатиб ўтаемизки, эхинококкознинг асорати одам ҳаёти учун жуда хавфли ҳисобланади.

Шунинг учун биз барча фуқароларимизга касаллик аломатлари қузалган ёки аниқланган заҳоти шифокорга мурожаат қилишни ва зарур муолажаларни олишни тавсия этаемиз.

Гавҳар МАХМУДОВА,
вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати
маркази олий
тоифали шифокор-паразитологи

Реклама ва эълонлар

"НАМКOR KREDIT" МЧЖ нинг 2017 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	30 821,70	38 307,50	Устав капитали	882 698,30	1 282 698,30
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	135 529,30	135 529,30
4	Товар-моддий захиралари	6 358,80	9 140,50	Таксимланмаган фойда	832 921,90	1 314 734,20
5	Дебиторлар	289 089,30	334 883,90	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	49 348,50	28 774,30	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	2 509 945,00	2 891 755,00	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8				Жорий мажбуриятлар	1 034 413,80	569 899,40
	Жами, активлар	2 885 563,30	3 302 861,20	Жами, пассив	2 885 563,30	3 302 861,20

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	3 472 716,00	
Сотилган махсулотлар таннари		
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	3 472 716,00	
Давр харажатлари, жами		713 241,70
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	729 388,40	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	3 488 862,70	
Фонизлар шаклидаги харажатлар		220 650,00
Даромад солиғи тўлашга қадар фойда	3 268 212,70	
Даромад (фойда) солиқ		246 084,10
Фойдалан бошқа солиқлар ва йиғимлар		241 770,30
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	2 780 358,30	

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги "FIDUCIAL AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

"JAYRON KREDIT" МЧЖнинг 2017 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	9105	16619	Устав капитали	595000,0	595000,0
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0,0	0,0	Қўшилган капитал	0,0	0,0
3	Капитал қўйилмалар	0,0	0,0	Резерв капитал	89756,0	89756,0
4	Товар-моддий захиралари	3182	3385	Таксимланмаган фойда	280966,0	335847,0
5	Дебиторлар	85737	143680	Мақсадли тушум ва фондлар	0,0	0,0
6	Пул маблағлари	32722	21963	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,0	0,0
7	Қиска муддатли инвестициялар	841165,0	1137740,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар	0,0	0,0
8		0,0	0,0	Жорий мажбуриятлар	6189	302784
	Жами, активлар	971911,0	1323387,0	Жами, пассив	971911,0	1323387,0

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи.

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	1389660,0	
Сотилган махсулотлар таннари		
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	1389660,0	
Давр харажатлари, жами		303247,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	314842,0	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	1401255,0	
Фонизлар шаклидаги харажатлар		
Даромад солиғи тўлашга қадар фойда	1401255,0	
Даромад (фойда) солиқ		106028
Фойдалан бошқа солиқлар ва йиғимлар		103618
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	1191609,0	

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги "ODIL AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.


"KRISTAL KREDIT" МЧЖнинг 2017 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	4 440,00	15 567,65	Устав капитали	1 330 000,00	1 330 000,00
2	Товар-моддий захиралари	1 167,00	1 066,75	Қўшилган капитал	0,00	0,00
3	Келгуси давр харажатлари	4 001,09	2 454,74	Резерв капитал	199 500,00	200 259,24
4	Дебиторлар	207 085,62	324 609,31	Таксимланмаган фойда	664 381,10	722 107,74
5	Пул маблағлари	244 349,76	62 160,42	Мақсадли тушум ва фондлар	0,00	0,00
6	Қиска муддатли инвестициялар	1 827 750,00	2 234 890,00	Жорий мажбуриятлар	94 912,37	388 381,89
	Жами, активлар	2 288 793,47	2 640 748,87	Жами, пассив	2 288 793,47	2 640 748,87

"KRISTAL KREDIT" МЧЖнинг 2017 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	2 829 715,26	
Сотилган махсулотлар таннари		0,00
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	2 829 715,26	
Давр харажатлари, жами		428 044,99
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	731 595,94	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	3 133 266,21	
Фонизлар шаклидаги харажатлар		37 054,80
Даромад солиғи тўлашга қадар фойда	3 096 211,41	
Даромад (фойда) солиқ		233 050,82
Фойдалан бошқа солиқлар ва йиғимлар		229 052,85
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	2 634 107,74	

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, "ODIL AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.



ва бир неча му-
тахассислар би-
лан суҳбатда бўл-
дим. Улар ҳам
шундай гўшак-
ларни янада
обод, кўркам қи-
либ, биз тилга
олган Фарб шаҳ-
ри каби турист-
лик масканга ай-

